



2020 у « 30 » сентябрь

№ Қ-526

« ____ » _____ 20__ г

Термиз тумани “Сурхон Намуна” массиви “Мустақиллик” маҳалласи худудидан “JAVLI AVTO TRANS” хусусий корхонасига “Молхона биноси” қуриш учун ер майдони ажратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 5,87-моддалари ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 17 июндаги ПФ-5742-сон Фармониغا асосан, вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 09 сентябрдаги 05-02/602-сон йиғилиш баёни, Термиз тумани ҳокимининг 2020 йил 17 августдаги 01-08/321-сон хатини кўриб чиқиб,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :

1. Вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 09 сентябрдаги 05-02/602-сон йиғилиш баёни тасдиқлансин.

2. Термиз тумани “Сурхон Намуна” массиви “Мустақиллик” маҳалласи худудидан “JAVLI AVTO TRANS” хусусий корхонасига туман ҳокимлиги захирасидаги қишлоқ хўжалик харитасининг бқ-дала контуридаги 1,0 гектар яйлов ер майдони “Молхона биноси” қуриш учун доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратилсин.

3. “JAVLI AVTO TRANS” хусусий корхонаси “Молхона биноси” қуриш мақсадида ажратилган 1,0 гектар яйлов ер майдони учун қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш нобудгарчиликларининг ўрнини коплаш мақсадида 14 304 580 (ўн тўрт миллион уч юз тўрт минг беш юз саксон) сўм давлат тўлов қоплама қийматини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ғазначилиги Тошкент ХККМ Марказий банкининг ҳисоб рақами 23402000300100001010 СТИР: 201122919 код: 00014 бюджет ҳисоб рақами 4014108609224013450717186 га беш кун муддатда тўлаб берилишини таъминласин.

4. Вилоят ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси (А.Ғаниев) ва Термиз тумани ҳокимлиги (Ш.Уринов) ер майдони ажратилиши

муносабати билан туман ер ҳисоботига тегишли ўзгартириш киритишни таъминласин.

5. Мазкур қарор бир кун муддатда вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтида (surxondaryo.uz) эълон қилинсин.

6. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосари У.Турапов зиммасига юклансин.

Вилоят ҳокими



Т.Боболов